

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ҚАРИНДОШЛАР ОРАСИДА БУЙРАК ВА (ЁКИ) ЖИГАР БЎЛАГИНИ ТРАНСПЛАНТАТСИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА” 2017-ЙИЛ 23-ОКтяБРДАГИ 859-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига кўрсатилаётган юқори технологияли ихтисослашган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, шу жумладан, гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантатсия қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017-йил 23-октябрдаги 859-сон [қарорига](#) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

2021-йил 1-июлга қадар ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда, гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш жараёнини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2021-йил 21-июн,

Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 21-июндаги 387-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг “Қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантатсия қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017-йил 23-октябрдаги 859-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарор [номи](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ҳамда гематопоедик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”.

2. Қарорнинг [муқаддимаси](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Сурункали буйрак ва жигар ҳамда қон ҳосил қилиш тизими касалликларининг терминал босқичидаги беморларни юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан таъминлаш, шунингдек, республикада трансплантатсия жарроҳлик амалиётларини кенг жорий этишни ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:”.

3. [1-банд](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ҳамда гематопоедик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

4. [Иловада](#):

а) [номи](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ҳамда гематопоедик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом”;

б) [1](#) ва [2-бандлар](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Ушбу Вақтинчалик низом тирик донордан буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ҳамда гематопоедик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш тартибини, трансплантатсияни бажаришга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, донор ва ретсипиентнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантатсия қилиш ретсипиентга ўзининг жабрланган ва ҳаёт учун муҳим фаолиятини бажаролмасдан, унинг соғлиғига қайтариб бўлмайдиган асоратларга олиб келадиган буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ўрнига тирик қариндош донордан соғлом буйрак ва (ёки) жигар бўлагини кўчириб ўтказиш мақсадида бажариладиган жарроҳлик амалиётдир.

Гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш — бу инсон саломатлигининг қайтариб бўлмас бузилишларига олиб келувчи ва қон ҳосил қилиш вазифаларини амалга ошира олмайдиган шикастланган ҳужайралар ўрнига ретсипиентга ўзининг соғлом суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини ёки тирик донорнинг суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган жарроҳлик амалиёти ҳисобланади”.

в) 3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантатсия қилиш учун ўзаро биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи даражада қариндош бўлган шахслар тирик қариндош донорлар мумкин, бунда:”;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш учун ретсипиентнинг қариндошлари ҳамда у билан қариндошлик алоқалари бўлмаган шахслар ҳам тирик донорлар бўлиши мумкин”;

г) 6¹ ва 6²-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6¹. Гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш фақат Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилади.

62. 6². Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида буйрак ёки жигар бўлаги ҳамда гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш амалиётини ўтказиш учун ретсипиентни (донор билан) шифохонага ётқизиш ва тиббий ёрдамни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 5-сентябрдаги 696-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади”;

д) қуйидаги мазмундаги 8¹-банд қўшилсин:

“8¹. Қуйидагилар гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилиш бўйича кўрсатмалар ҳисобланади:

ўткир лимфобласт лейкоз ва унинг шакллари, ўткир миелобласт лейкоз ва унинг шакллари;

миелом касаллиги, сурункали миелолейкоз, сурункали лимфолейкоз, миелодиспластик синдром;

апластик анемия, бирламчи туғма иммунодефитсит, аутоиммун тизимли касалликларни айрим турлари, лимфомалар, талассемиянинг оғир турлари”;

э) қуйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

“10¹. Қуйидагилар гематопоестик суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантатсия қилишга қарши кўрсатмалар ҳисобланади:

руҳий бузилишлар;